

Риёзус солихийн / Риёзус солихийн / 36-ҳадис

1. 36. Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қабр олдида йиғлаётган бир аёлнинг ёнидан ўтиб қолиб: **«Аллоҳга тақво қил ва сабр эт»**, дедилар. Аёл у зотни танимай: «Бор, мендан нари тур! Менинг мусибатим сенга етмаган-да!» деди. Шунда унга: «Бу Набий соллаллоху алайҳи васаллам-ку!» дейилди. У Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг эшиклари олдига келди, бироқ у зотнинг ҳузурларида эшик оғаларини топмади. Сўнг: «Мен сизни танимабман», деди. Шунда у зот: **«Албатта, сабр биринчи зарбададир»**, дедилар».

Мұттағақун алаіх.

Муслимнинг ривоятларида: «**У хотин бир гўдак боласига йиғлаётган эди**», деб келтирилган.

Манба: hadis.islom.uz



